



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi. 3-uy. Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
e-mail: consumer@antimon.gov.uz



000465

“20” 11 2019 y. № 01-06/401

Тижорат телеканалларига
(руйхат бўйича)

Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябргаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5817-сонли Фармонига мувофиқ Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигининг асосий вазифалари этиб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини олиб боришни таъминлаш масаласи белгилаб берилган.

Охири пайтда рекламанинг овози теледастурлар овозидан баланд қўйилаётганлиги бу эса ўз навбатида аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, “Портал молодёжи” телеграмм ижтимоий тармоғида фуқаро Джамшид Бахтияров «Sevimli», «Milliy TV», «Zo`R TV», «MY5» телеканалларида бирон бир кўрсатув ёки сериал ичида бошланган (жойлаштирилган) реклама уларнинг (кўрсатув ёки сериалларнинг) овозидан баланд бўлиб кетишини таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шу билан бирга Қонуннинг 17- моддаси бешинчи қисмида дастурларнинг реклама қисмлари товушини телерадиодастурнинг товушига нисбатан баландроқ қилиниши тақиқланган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишини ҳамда аҳолининг эътирозларини олдини олиш мақсадида тижорат телеканалларидан 3 кунлик муддат ичида ушбу ҳолатга тегишли тушунтириш бериш сўралади.

Илова варақда.

Директор

Э.Хаитметов



Djamshid Bahtiyarov ▶ Портал
Молодёжи



22 ч. •

Телеканалы

Sevimli

Milliy

ZorTv

My5

Вопрос к вам такой.

Почему когда идёт передача или сериал
громкость нормальный а когда идёт реклама
громкость высокий. Вы чё дал...бы? Не знаю
других но у меня со слухом нормально.

149

42 комментария

Нравится

Комментировать